# ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ №14-14/057 0000002

Нукус тумани. 2022-йил "18" январь

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Лицензияси ва Устав асосида фаолият кўрсатувчи **"Ўзагросуғурта" АЖ Нукус тумани суғурта маркази** (бундан кейин матнда **«Суғурталовчи»** деб юритилади), номидан 2022 йил "05"январдаги 05-06/8Ф-16-СМ сонли Ишончнома асосида биноан Е. Калимбетов, бир томондан, ўз устав асосида иш юритувчи **Нукус тумани Ободанлаштириш бошкармаси** (бундан кейин матнда **«Суғурта қилдирувчи»** деб юритилади), номидан **Кутмамбетов Б** иккинчи томондан қуйидаги шартлар асосида мазкур Суғурта шартномасини туздилар:

## 1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчининг мазкур шартноманинг 1-Иловасида курсатилган транспорт воситалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 141-сонли Қарори асосида суғурта хизматини кўрсатади.

1.2. Суғурталовчи мазкур шартномада шартлашилган суғурта мукофоти суғурта қилдирувчи томонидан тўлиқ тўланганидан сўнг суғурта полиси амал қилиш муддатида суғурта ҳодисаси содир бўлганда шартнома (суғурта полиси) да белгиланган суғурта пули доирасида суғурта товони тўлаш мажбуриятини олиб боради.

## 2. СУҒУРТА ОБЪЕКТИ

Мазкур шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаларидан фойдаланишда транспорт воситалари эгалари (суғурта қилдирувчи)нинг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари мажбурий суғурта объектидир.

## 3. СУҒУРТА ПУЛИ

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора тадбирлари ҳақида"ги 141-сонли қарорига белгиланади ва мазкур шартноманинг 1-иловасида ҳамда ҳар бир транспорт воситаси бўйича бериладиган суғурта полисларида кўрсатилади.

## 4. СУҒУРТА МУКОФОТИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича суғурта мукофотининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 141-сонли Қарорига асосан тасдиқланган суғурталаш қоидалари (кейинги матнларда "Суғурта қоидалар" деб юритилади) 5-иловасидаги суғурта тарифларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади ва унинг миқдори шартноманинг 1-иловасида ва суғурта полисларида белгилаб қўйилди.

**Жами суғурта мукофоти 120 000 (Бир юз йигирма минг) сумни ташкил этди.**

4.2. Мазкур шартнома бўйича суғурта мукофотини ҳисоблаш суғурталовчи томонидан мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза-анкетада суғурта қилдирувчи томонидан кўрсатилган маълумотлардан, шунингдек суғурта қоидалари 4-иловасига мувофиқ

шакл бўйича тақдим этилган маълумотлардан ҳамда суғурталовчида мавжуд бўлган, ҳужжатлар асосида тасдиқланган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4.3. Суғурта мукофоти тўлови пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Суғурта мукофотининг тўланган куни деб суғурта мукофотининг суғурталовчи ҳисоб рақамига тўлиқ миқдорда келиб тушган куни ҳисобланади.

4.4. Суғурта мукофоти тўлиқ тўланганидан сўнг суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига мазкур шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган ҳар бир транспорт воситаси бўйича суғурта полиси ва махсус давлат белгиси расмийлаштириб берилади.

## 5. СУҒУРТА ТОВОНИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

5.1. Жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта тўлови суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 35 фоизидан ошиши мумкин эмас.

5.2. Бир нечта жабрланувчиларнинг мол-мулкига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий воё1рисининг суғурта қопловчи миқдори ҳар бир жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарур даражасига мутаносиб равишда, мазкур шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган сумма доирасида аниқланади.

5.3. Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

5.4. Бир нечта жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, мазкур шартноманинг 5.3-бандида кўрсатилган сумма доирасида аниқланади.

## 6. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ

6.1. Суғурталовчи суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) ташаббуси билан ёки суғурталовчининг талабига биноан зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши муносабати билан юзага келган суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) барча билдирилган ва исботланадиган харажатларини, ҳатто бу чоралар муваффақиятсиз бўлган ҳолларда ҳам қоплайди.

6.2. Зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш бўйича харажатлар суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6.3. Суғурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.

6.4. Суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта полисда кўрсатилган суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади (суғурта қоидалрининг 56-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5. Суғурта товонини тўлаш суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

## 7. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Мазкур шартнома томонлари бўлмиш суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига суғурта қоидаларида белгиланган суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тадбиқ қилинади ва ҳар икки томон учун мажбурий ҳисобланади.

7.2. Томонлар ушбу шартнома шартларини бажаришда бир-бирларига маълум бўлган ва тижорат сири бўлган маълумотларни сир сақлашлари шарт.

## 8. ШАРТНОМА ВА (ЁКИ) СУҒУРТА ПОЛИСИНИНГ МУДДАТИДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИНИШИ

8.1. Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисининг амал қилиши:

а) транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартибда тақиқланганда;

б) суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси бундан буён фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолганда;

в) транспорт воситасининг эгаси ўзгарганда муддатидан олдин тўхтатилади.

Мазкур шартномава (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисининг амал қилиши қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

8.2. Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисининг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурта мукофотининг бир қисми тўланган товон суммасига ва шартнома ва (ёки) суғурта полиси амал қилишининг кунлар ҳисобидаги қолган муддатига мутаносиб равишда қайтарилади. Бунда суғурта шартномаси ва (ёки) суғурта полсининг амал қилиши мазкур шартноманинг 8.1-банди "а", "б" ва "в" кичик бандларида кўрсатилган бошқа асосларга кўра муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурталовчи суғурта мукофотининг қайтарилаётган қисмидан унинг суғурта шартномаси бўйича исбот қилинадиган харажатлари суммасини суғурта мукофотининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириши мумкин.

## 9.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Томонлар мазкур шартнома ва қонунчилик хужжатларида кўрсатилган мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажармаганликлари оқибатида иккинчи томонга етказилган зарар учун қонунчилик хужжатларига кўра жавобгар ҳисобланадилар.

## 9. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартномадан келиб чиқадиган низолар қонун хужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

10.2. Томонлар ўзаро розилик асосида мазкур шартномага зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлари мумкин.

10.3. Мазкур шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг кучга киради ва томонлар келишуви ёки улардан бирининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолда, бекор қилиш ташаббуси билан чиқаётган томон иккинчи томонни камида ўттиз кун олдин келишувни бекор қилиши тўғрисида ёзма хабардор қилиши лозим.

10.4. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхада сақланади.

10.5. Суғурта шартномаси 1 йил мудатга тузилади, суғурта жавобгарлиги хисобланган суғурта мукофотининг Суғурталовчининг хисоб рақамига келиб тушгандан кейин бошланади.

10.6. Суғурта мукофоти олдиндан 100% ўтказиб берилади.

| «Суғурталовчи » номидан | “Суғурта қилдирувчи” Номидан |
|---|---|
| **“Ўзагросуғурта” АЖ Нукус тумани суғурта маркази**<br>х\б 20216000500383813021<br>ИНН 200949782, МФО 00584<br>ОКОНХ 96210 ОКЭД 65110<br>АКБ «Микрокредитбанк» КР филиал<br>Манзил: Нукус тумани Дарсан кучаси №28 уй тел: 61 424-41-74<br><br>Раҳбар ____________ **Е.Калимбетов**<br><br>М.Ў. | **Нукус тумани Ободанлаштириш бошкармаси**<br>Адрес: Нукус т. К. [illegible] 83<br>Тел./факс 424-38-74<br>х\б 23402000300100001010<br>ИНН 201122919 мфо 00014<br>Марказбанк Ташкент ш.<br>ОКОНХ 90211 ОКЭД 81300<br>л/сч. 100022860355225704229011008<br>казначейство Нукусского р-на<br><br>Раҳбар ____________ **Кутмамбетов Б**<br>(имзо) |

2022 йил «___» ___________даги
№14-14/057 00002 сонли шартномага
1-илова

| | ТВ тури | Давлат рақам белгиси | Суғурта пули (минг сўм) | Суғурта тарифи | Суғурта мукофоти (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| | Енгил | 95586JAA | 40 000 000 | 1 | 120 000 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | **120 000** | |

Суғурта қилдирувчи томонидан тўланадиган суғурта мукофоти умумий миқдори **120 000 (Бир юз йигирма минг) сумни** ташкил этади.

| «Суғурталовчи » номидан | "Суғурта қилдирувчи" Номидан |
|---|---|
| **"Ўзагросуғурта" АЖ Нукус тумани суғурта маркази**<br>х\б 20216000500383813021<br>ИНН 200949782, МФО 00584<br>ОКОНХ 96210 ОКЭД 65110<br>АКБ «Микрокредитбанк» КР филиал<br>Манзил: Нукус тумани Дарсан кучаси<br>№28 уй тел: 61 424-41-74<br><br>Раҳбар ____________ **Е.Калимбетов**<br><br>М.Ў. | **Нукус тумани Ободанлаштириш бошкармаси**<br>Адрес: Нукус т. ж: Жалпаков 23<br>Тел./факс 424-38-74<br>х\б 23402000300100001010<br>ИНН 201182919 МФО 00014<br>Марказий банк Тошкент ш.<br>ОКОНХ 90211 ОКЭД 81300<br>л/сч. 1000228603522570429901100001<br>Казначейство Каракалпак р-ка<br>____________ **Кутмамбетов Б**<br>(имзо)<br><br>М.Ў. |

Приложение №4
К Договору №1к-14/037
На оказание услуг страхования автотранспорта
От «18» января 2024г.

# АНТИКОРРУПЦИОННАЯ ОГОВОРКА

1. При исполнении своих обязательств по настоящему Договору, Стороны, их аффилированные лица, работники или посредники не выплачивают, не предлагают выплатить и не разрешают выплату каких-либо денежных средств или ценностей, прямо или косвенно, любым лицам, для оказания влияния на действия или решения этих лиц с целью получить какие-либо неправомерные преимущества или иные неправомерные цели.
2. При исполнении своих обязательств по настоящему Договору, Стороны, их аффилированные лица, работники или посредники не осуществляют действия, квалифицируемые применимым для целей настоящего Договора законодательством, как дача / получение взятки, коммерческий подкуп, а также действия, нарушающие требования применимого законодательства и международных актов о противодействии легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем.
3. В случае возникновения у Стороны подозрений, что произошло или может произойти нарушение каких-либо положений настоящего Пункта, соответствующая Сторона обязуется уведомить другую Сторону в письменной форме. После письменного уведомления, соответствующая Сторона имеет право приостановить исполнение обязательств по настоящему Договору до получения подтверждения, что нарушения не произошло или не произойдет. Это подтверждение должно быть направлено в течение десяти рабочих дней с даты направления письменного уведомления.
4. В письменном уведомлении Сторона обязана сослаться на факты или предоставить материалы, достоверно подтверждающие или дающие основание предполагать, что произошло или может произойти нарушение каких-либо положений настоящего Пункта контрагентом, его аффилированными лицами, работниками или посредниками выражающееся в действиях, квалифицируемых применимым законодательством, как дача или получение взятки, коммерческий подкуп, а также действиях, нарушающих требования применимого законодательства и международных актов о противодействии легализации доходов, полученных преступным путем.
5. В случае нарушения одной Стороной обязательств воздерживаться от запрещенных в Пункте 1 настоящего Договора действий и/или неполучения другой Стороной в установленный настоящим договором срок подтверждения, что нарушения не произошло или не произойдет, другая Сторона имеет право расторгнуть договор в одностороннем порядке полностью или в части, направив письменное уведомление о расторжении. Сторона, по чьей инициативе был расторгнут настоящий Договор в соответствии с Антикоррупционной оговоркой, вправе требовать возмещения реального ущерба, возникшего в результате такого расторжения.

| «ИСПОЛНИТЕЛЬ» | «ЗАКАЗЧИК» |
|---|---|
| "Узагрострахования" АК нукус район | нукус районное Абадонласти... бошкармаси |
| [signature] [stamp] | [signature] [stamp] |

**UZINSURANCE**
Qoraqalpog'iston Respublikasi filiali

230100, Qoraqalpog'iston Respublikasi,
Nukus shahar, [illegible]
Tel: (61) 222-57-21, Faks: (61) [illegible]

2022" 5 " января
№ 05-06/ вф-16 СМ.

Sug'urta markazini boshqarish uchun
**ISHONCHNOMA**

Ushbu ishonchnoma bilan "O'zagrosug'urta" aksiyadorlik jamiyati (keyingi matnda **"Jamiyat"** deb yuritiladi) Boshqaruvi "Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunning 7-moddasi va O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 134, 138, 139, 140, 144-moddalariga amal qilib, Jamiyat Ustavi, filiallar to'g'risidagi Nizomga hamda Sug'urta markazlari to'g'risidagi Nizomlarga asosan, Jamiyatning **Qoraqalpog'iston Respublikasi filiali "Nukus tuman" sug'urta markazi, markaz menejeri Qalimbetov Yerpolat Bekpolatovichga (pasport KA 0020787, 31.07.2013-yilda Qoraqalpog'iston Respublikasi IIV tomonidan berilgan)** – O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonun hujjatlari, Jamiyatning Ustavi, "Sug'urta markazlari to'g'risida"gi Nizom, Jamiyat Boshqaruvi va hududiy filial qarorlari hamda boshqa ichki me'yoriy hujjatlarida belgilangan vazifalarni bajarishi uchun markaz faoliyatini boshqarish vakolatini beradi. Ushbu vazifalarni bajarish uchun menejerga jismoniy va yuridik shaxslar bilan Jamiyat nomidan sug'urta shartnomalarini tuzish, "Sug'urta markazlari to'g'risida"gi Nizom, mazkur ishonchnoma, mehnat shartnomasiga ko'ra o'z vakolatlari doirasida unga yuklatilgan vazifalarning bajarilishi bo'yicha javobgarlik olib borish, Jamiyat nomidan barcha korxona, tashkilot, muassasa va boshqaruv organlari bilan bo'ladigan munosabatlarda o'z vakolatlari doirasida harakat qilish, o'rnatilgan namunaviy shakldagi yuridik ahamiyatga ega bo'lgan barcha turdagi shartnomalarni, ixtiyoriy va majburiy sug'urta shartnomalari bo'yicha sug'urta javobgarligining belgilangan limit doirasida (limitdan oshgan hollarda filial ruxsati bilan) Jamiyat nomidan (ushbu ishonchnomaning to'rtinchi qismida ta'qiqlangan va/yoki cheklab qo'yilganlaridan tashqari) tuzish, imzolash, muhrlash, shartnoma majburiyatlari bajarilishini ta'minlash, markaz xodimlari mehnatini tashkil etish, ularga bajarilishi majburiy bo'lgan ko'rsatlar berish, markaz faoliyatini tashkil etish bilan bog'liqboshqa vakolatlarni amalga oshirish huquqlari beriladi.

Shuningdek, menejer vakil sifatida – O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 134, 139-moddalari, Fuqarolik protsessual kodeksining 69-moddasi, Iqtisodiy protsessual kodeksining 63-moddasi va Jinoyat protsessual kodeksining 62, 63-moddalariga binoan barcha vakolatlardan foydalanadi va majburiyatlarni bajaradi.

Ishonchnomaning amal qilishi bekor bo'lgandan yoki muddati tugagandan keyin ishonchnoma olgan shaxs darhol ishonchnomani qaytarib berishi shart.

**Jamiyat Boshqaruvining 2020-yil 30-sentyabrdagi 177-sonli majlis bayonnomasi qarori bilan tasdiqlangan miqdordan (limitdan) ortiq bo'lgan miqdordagi sug'urta javobgarligi kelib chiqadigan va/yoki cheklovlar joriy etilgan sug'urta turlari bo'yicha sug'urta shartnomalarini tuzish, sug'urta polislarini rasmiylashtirib berish, kredit qaytmasligi tavakkalchiligi bo'yicha sug'urta shartnomalarini imzolash, shuningdek, Jamiyat Boshqaruvi ruxsatisiz Jamiyat nomidan uchinchi shaxslar majburiyatlarini to'lab berishga kafil bo'lish, investitsiya faoliyatini amalga oshirish hamda asosiy vositalarni sotib olish va sotib yuborish – Qalimbetov Yerpolat Bekpolatovich vakolati doirasiga kirmaydi. Markaz menejeri bu harakatlarni faqatgina Jamiyat Boshqaruvining yozma roziligi bilan amalga oshirishi mumkin.**

**Ishonchnoma 2022-yil 5-yanvardan 2022-yil 31-dekabrgacha haqiqiy hisoblanadi.**

**Filiali boshqaruvchisi** **Z.Smaylov**

«O'ZAGROSUG'URTA» AJ